

ЎЗБЕКИСТОН  
БАДИИЙ  
АКАДЕМИЯСИ



КАМОЛІДДИН БЕХЗОД  
НОМИДАГИ  
МІЛЛІЙ РАССОМЛІК ВА  
ДИЗАЙН ІНСТИТУТИ

САНЪАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИИ  
*ИЖТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ*

**Профессор-ўқитувчиларнинг  
2018-2019-ўқув йилида бажарган ишлари  
юзасидан  
ҲИСОБОТИ**

ТОШКЕНТ -- 2019

**I. ва II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН “АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!” ДЕГАН БОШ ҒОЯНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН ТАШКИЛИЙ-АМАЛИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ҲАМДА ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.**

2018-2019 ўқув йилининг 5-сентябрь, яъни биринчи кунида Ўзбекистон Бадий Академияси ва институт раҳбарияти иштирокида мустақиллик байрами ташкил этилиб, институт жамоаси ва талабаларни ўқув йилининг бошланиши муносабати билан табриклар эълон қилинди ва соат 10:30да Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26-август 87-02-23-54-сонли хати асосида Институт Ёшлар марказида кафедра катта ўқитувчиси, “Тасвирий санъат” факультети Мураббийлар Кенгаши раиси Б.Ш.Маъруфбоев барча 1-курслар учун Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунига бағишланган “АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!” мавзусидаги ялпи маъруза бўлиб ўтди. Ушбу меъёрий ҳужжат асосидаги “мустақиллик дарслари” институтнинг барча таълим йўналишлари ва курсларида “Ижтимоий фанлар” кафедраси бошчилигида институтнинг кўзга кўринган профессор-ўқитувчилари, устоз-мураббийлари иштирокида бўлиб ўтди ва бу тадбир сентябрь ойининг биринчи ярмида институтнинг барча таълим йўналишлари ва курсларида “Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!” номи билан Тошкент “Маънавият” нашриётида чоп этилган услубий қўлланмаси асосида дарс машғулотлари давом эттирилди.

Дарсларни институт профессор ўқитувчилари Баходир Джалолов, Рустам Худайберганов, Раҳмонали Ҳасанов, Қутлуғ Иноятов, Усмон Қорабоев, Дилфуза Жуманиёзова, У.Утанова, Н.Алимов, Бахтиёр Маъруфбоев ва Шавкат Ғаниевлар олиб бордилар. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоблар олдилар. Мустақиллик дарслари йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди.



“Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистон!”. А.Қодиров ва бошқ.  
Матн. Услубий қўлланма. / Республика Маънавият ва маърифат маркази. –Т.:  
“Маънавият”, 2018. –172 б.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Илмий кенгашининг 2018  
йил 19 июлдаги №11-сонли баёни билан нашрга тавсия қилинган.

**Муаллифлар:**

А.Қодиров, Т.Нарбаева, М.Нурматова, М.Қуронови, Д.Бобожонова,  
Х.Маматов, Ф.Мухитдинова, А.Мухторов, Н.Абдуллаева, Ш.Тўраев,  
И.Даминов, М.Кахарова, Т.Маматқобилов, А.Камалов, Э.Қодиров,  
Р.Жуманиёнов, Х.Жабборов, М.Абдуҳакимова, Ф. Азимова, С.Бектемиров

**Масъул муҳаррир:**

тарих фанлари доктори, профессор А.Маврулов

**Тақризчилар:**

фалсафа фанлари доктори, профессор И.Соифазаров  
Сийёсий фанлар доктори С.Саидолминов,  
Педагогика фанлари доктори Б.Шермухаммадов

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил  
28 июлдаги ПҚ-3814-сонли “Ўзбекистон Республикаси давлат  
мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва  
уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан “Азиз  
ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!” деган бош ғояни ўз ичига олган  
муаллифларнинг қўлланма ва унинг асосида яратилган қўлланма

**МУҲДАРИЖА**

1. Кириш.....	5
2. Мустиқиллик байрами тадбирлари самарадорлигини оширишнинг илмий-маърифий талаблари ҳақида.....	
3. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш – давлат эътиборида.....	
4. Қарор шори - садақат ихрои.....	
5. Инсон кадр-қиймати улугланган юрт.....	
6. Ватанимизнинг мустиқил тараққиёт йўли.....	
7. Азалий орзуларнинг амалий ифодаси.....	
8. Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш йўлида.....	
9. Давлат дастури – бунёдкор дастуриламал.....	
10. Т.Маматқобилов. Жонажон Ватанда яшаш - азизликдан нишонди!.....	
11. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати сифат ва самара босқичида.....	
12. Истиқлол тарғиботи – тадбиркорлик, инновацион тафаккур мадҳи.....	
13. Чуқур ўйланган очиқ сиёсат медалари.....	
14. Ёшлар маънавиятини юксалтиришда дин омилидан фойдаланиш.....	
15. Ватанпарварлик-юксак фасилат.....	
16. Ёшларимизнинг мафқуравий иммунитетини мустиқкам бўлсин.....	


### III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНЛАРИ, ҲУКУМАТ ҚАРОРЛАРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ....

1. 2019 йил 5 январь куни Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Тасвирий санъат факультети профессор-ўқитувчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасини мазмун моҳиятини кенг ўрганиш бўйича семинар



ўтказилди. Семинарда институт ректори Х.Аминов, Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Д.Жумашев, Тасвирий санъат факультети декани А.Юсупов, Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари С.Расульмухамедова, Ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари Ч.Умматова, кафедра мудирлари Э.Хайитов, Ш.Жуманиёзов, А.Ортиқов, Ж.Рашидов, факультет профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти **Р.Ҳасанов** Президентнинг парламентга 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномаси юзасидан тақдимот орқали бандма банд тушунтириб ўтди.



**2. 2019 йил 8-январь.** “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси” ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта



махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” марказининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси” ҳақида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти “Санъатшунослик” факультети профессор-ўқитувчилари учун кафедра профессори Иноятов Қ.Х. маъруза қилди.

**2. 2019 16-январь.** Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси” ҳақида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти

“Санъатшунослик” факультети талабалари учун кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан маъруза ва давра суҳбати ташкил этилди.



**3. 2019 йил 4-март** кунини Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири доцент фалсафа фанлари номзоди Утанова Умида, кафедранинг юридик фанлар номзоди доцент Абдуллаходжаев Ғайрат, доцент в.б. Алимов Нодир, катта ўқитувчи Г.Машарипова томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси ҳақида Республика рассомлик коллежининг 2-курс Маҳобатли безак ва Графика йўналишидаги талабалари иштирокида инновацион ҳамкорлик доирасида тадбир уюштирилди.

Маърузачи юридик фанлар номзоди доцент Ғ.Абдуллаходжаев давлат бошқарувини ислоҳ қилиш тўғрисида, фалсафа фанлари номзоди Умида Утанова таълим соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар ҳақида, доцент в.б. Н.Алимов ижтимоий соҳада амалга ошириладиган ислохотлар ҳақида, катта ўқитувчи Г.Машарипова диний бағрикенглик, толерантлик ҳақида гапириб бериб, талабалар томонидан берилган саволларга жавоблар берилди. Маъруза жуда кизиқарли бўлиб, гуруҳ талабалари ўз саволлари билан иштирок этишди.

#### **IV. ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ОЛИБ БОРИШ.**

**1. 2018 йил 10-октябрь** санасида институт томонидан “Ўзбекистон ёшлари бузғунчи ғояларга қарши” ҳафталиги доирасида ўтказилган тадбирда кафедра катта ўқитувчиси, “Тасвирий санъат” факультети Мураббийлар Кенгаши раиси Б.Ш.Маъруфбоев маъруза қилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита масъул ходими Жамшид Алиев ўз маърузаси билан иштирок этди.

**2. 2018 йил 17-октябрь** санасида институт томонидан ташкиллаштирилган “Ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” мавзусидаги давра суҳбатида кафедра катта ўқитувчиси Б.Ш.Маъруфбоев маъруза қилди.

**3. “Ижтимоий фанлар”** кафедраси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини яна даривожлантириш чора-



тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори ижроси доирасида ҳам бир қатор маънавий-маърифий ишлар амалга оширилди.

4. Кафедра қошида “Файласувлар” клуби фаолият кўрсатмоқда. Режа ва ҳисоботлари мавжуд. Клуб раҳбарлари: доцентлар У.Утанова, Н.Алимов.

## V. ТАЛАБАЛАРНИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МАСКАНЛАРГА ЖАМОА БЎЛИБ БОРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

2019 йил 31-май. Кафедра мудирини, доцент У.Утанова ва кафедра катта ўқитувчиси Г.Машариповаларнинг умумий раҳбарлигида 1-курс Санъатшунослик факультети рус ва ўзбек гуруҳи талабаларини Ислон цивилизацияси маркази ҳудудидаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништириш ва Ҳастинс Имом мажмуасини зиёратини амалга ошириш тадбири уюштирилди.



2018 йил 10-октябрь. “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Бадиий Академияси томонидан ташкил этилган ҲАЛҚАРО ЗАМОНАВИЙ БИЕННАЛЕСИДА иштирок этишди.



## **VI. МРДИ ТТЖда МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИШ.....**

**2018 йил 7-декабр** куни “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси Ш.Ғаниев томонидан ТТЖ маънавият хонасида “Ёшлар ва қонун” деб номланган маърифий-ҳуқуқий тадбир бўлиб ўтди. Қатнашдилар: кафедра катта ўқитувчиси Ш.Ғаниев, ТТЖ етакчиси Ойбек Каримов ва ТТЖда турадиган талабалар.



**2019 йил 15 март** куни соат 18-00 да талабалар турар жойида “Одоб-ахлоқ меёрлари, тартиб интизом ва Наврўзга тайёргарлик ҳамда талабалар бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳақида” тадбир ўтказилди.



## **VII. БУЮК АЛЛОМАЛАРНИНГ ТАВАЛЛУД КУНЛАРИНИ НИШОНЛАШ.**

**2019 йил 14-февраль.** Алишер Навоийнинг таваллуд куни муносабати билан Файласуфлар тўғараги доирасида “**Темур тиғи етмаган жойни қалам билан олди Алишер**” мавзусида кўргазма уюштирилиб, давра суҳбати ташкил этилди. Қатнашдилар: “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудирини Д.Жуманиёзова, доц. Р.Хасанов, ф.ф.н.доц. У.Утанова, катта ўқитувчи Г.Сиддиқова, доцент Н.Алимов, файласуфлар клуби аъзолари ва ТСФ декани О.Юсупов, ТСФ декан ўринбосарлари ҳамда ТСФ талабалари.





## **VIII. ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ: ... КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИ БЎЙИЧА ДАВРА СУЎБАТЛАРИ ЎТКАЗИШ.**

“Ижтимоий фанлар” кафедраси қошидаги Файласуфлар клуби аъзолари томонидан “Китобхонлик – буюк келажак кафолати” мавзусидаги тадбир ташкил этилди. Қатнашдилар: “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти ф.ф.н. У.Утанова, доцент Н.Алимов ҳамда файласуфлар клуби аъзолари. Маърузада “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти, ю.ф.н. У.Утанова тадбирни очиб бериб, мавзуни эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойишининг мазмун-моҳияти билан иштирокчиларни таништирди. Кафедранинг доценти Н.Алимов босма китоблар ва электрон китоблар тўғрисида, босма китобларнинг аҳамияти ҳақида ўз мулоҳазаларни билдирди.



## **IX. ОЎМТВнинг ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН “ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ”НИ ТАЛАБАЛАРГА ТУШУНТИРИШ ЮЗАСИДАН СУЎБАТ ЎТКАЗИШ;**



2018-2019 ўқув йилининг илк кунларида “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан “Одоб-ахлоқ қоидалари” юзасидан институтнинг барча йўналишлари талабалари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди ва унинг натижалари 2018 йил 25-сентябрдаги кафедра йиғилишида муҳокама қилинди. Хусусан Кафедра мудир Д.Жуманиёзова: Ўзбекистон Республикаси Олий ўрта махсус таълим вазирлиги Олий таълим муассасасининг “Одоб – ахлоқ қоидалари”га риоя қилган ҳолда ҳар бир ўқитувчи ўзининг дарс вақтида “Одоб – ахлоқ қоидалари”ни талабаларга тушунтириш ишларини барча жамоа аъзолари билишлиги зарурлигини айтиб, шунга риоя қилиш шартлигини айтиб ўтди.

Доцент У.Утанова: ҳар доим профессор – ўқитувчилар талабаларга нисбатан ўз фарзандларига ёндошганидек, муносабатда бўлиб уларнинг зарурий саволларига, ижтимоий ҳаётига боғлиқ масалаларга яқиндан ёндошсалар талабалар билан ўқитувчи орасида ўзаро бир-бирини тушуниш ортади, деб таъкидлади.

Айрим талабалар баъзан талабалар муҳтожликка дуч келса, уларга зарурий масалаҳатлар бериш, Ёшлар Иттифоқи аъзолари билан улардан хабарлашиш, дарсларни ўзлаштира олмай қолганда кўмаклашиш, зарур ҳолларда ота – оналари ёки қариндошларини чақиртириш Олий таълим муассасаларидаги устоз-мураббийларнинг асосий муаммоларидан бири бўлиши керак, деб таъкидланди.



## **Х. ИНСТИТУТ МИҚЁСИДА “КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ” МАВЗУСИДА ИНСТИТУТ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАР ИШТИРОКИДА МАЪРИФИЙ-ПРОФИЛАКТИК ТАДБИР ЎТКАЗИШ.**

**2018 йил 27-сентябрь.** Институтда манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда талаба-ёшлар ўртасида профилактик тадбирларни кучайтириш мақсадида ўтказилган **"Коррупция - Миллий хавфсизликка таҳдид"** мавзусидаги профилактик тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Терговни методик таъминлаш бошқармаси бошқарма прокурори Жамшид Баходирович Зарипов,



институт раҳбарияти ва 200 дан ортиқ талабалар иштирок этишди. Тадбирда “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти Н.Алимов ўз маърузаси билан иштирок этиб, коррупция нафақат миллий ҳавфсизликка, балки жамият келажагига ҳам таҳдид бўлиқ, тараққиётнинг кушандаси экани тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён этди.

## **XI. 1-ОКТАБР – “УСТОЗ-МУРАББИЙЛАР КУНИ” МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЛАБАЛАР ИШТИРОКИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТИШ.**

**2018 йил 4-октябрь.** “Ижтимоий фанлар” кафедраси қошидаги Файласуфлар клуби томонидан “Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, айламак бўлмас адо ҳақкин онинг юз ганч ила” мавзусида тадбир ташкил этилди. Тадбирда “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти ф.ф.н. У.Утанова, доцент Н.Алимов, катта ўқитувчи Г.Машарипова, ТСФ деканати аъзолари ҳамда файласуфлар клуби аъзолари иштирок этишди.



## **XII. “ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ДИН ОМИЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ” МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ.**

**2018 йил 10-октябрь.** “Ўзбекистон ёшлари бузғунчи ғояларга қарши” ҳафталиги доирасида ўтказилган тадбирда Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси **Б.Маруфбоев** ушбу мавзуда маъруза қилди. У аввало тадбирдан кўзланган асосий мақсад, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшларни тўғри йўлдан оздиришга ҳаракат қилаётган турли бузғунчи ғояларга қарши иммунитетни шакллантириш, зарур вақтда ана шундай кучларга қарши маърифат илми билан қарши курашиш кераклигини тушунтиришдан иборат эканлигини таъкидлаб, институтда ҳам бу борада кўпгина амалий тадбирлар ўтказиб келинаётганлиги ҳақида тўхталиб ўтди.





Шунингдек, дунё хамжамиятини ташвишга солаётган, дин ниқоби остида фаолият олиб бораётган турли диний экстремистик ташкилотларнинг ёшларни алдов йўли билан ўз сафларига қўшиб олаётганидан келиб чиқиб, талаба-ёшларни бундай

гуруҳлар таҳдидидан доимо огоҳ ва хушёр бўлишга даъват этди. Ёшларни бу каби ғайри инсоний йўлга кириб кетишларининг олдини олиш, унинг оқибатида юзага келаётган аянчли оқибатлар ҳақида талаба-ёшлар ўртасида мана шундай йиғилишлар ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш турли жиноятчиликнинг олдини олишга катта ёрдам бериши шубҳасиз эканлиги ҳақида гапирди. Шу билан бир қаторда шундай жаннатмакон юртда яшаётганлигимиз бу бизнинг бахтимиз эканлигини, юртимизни асраб-авайлаб, химоя қилиш бу барчамизнинг бурчимиз эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита масъул ходими **Ж.Р.Алиев** таклиф этилди.

### **ХШ. ОТМнинг УМУМИЙ ЎРТА ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ БИЛАН УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ КАМОЛОТИГА ҚАРАТИЛГАН “ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ: ЗАРУРИЯТ ВА МАҚСАД” МАВЗУСИДА УШРАШУВЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ.**

**2018 йил 2-ноябрь.** “Санъатунослик” факультети, институт Ёшлар Иттифоқи, “Музейшунослик” ва “Ижтимоий фанлар” кафедраларининг умумий ҳамкорлигида Учтепа туманида жойлашган 186-сонли умумтаълим мактабида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирда кафедра катта ўқитувчиси Б.Маъруфбоев **“ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ: ЗАРУРИЯТ ВА МАҚСАД”** мавзусида мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларига маъруза ўқиди.





#### **XIV. «ЁШЛАРИМИЗНИНГ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТИ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН» МАВЗУСИДА МУТАХАССИСЛАР ВА ТАЛАБАЛАР УЧРАШУВИНИ ЎТКАЗИШ;**

**2019 йил 27-март.** “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессор-ўқитувчилари: кафедра мудир У.Утанова, профессор Остонақулов, доцент Р.Ҳасановлар иштирокида Амалий санъат факультетининг профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар ўртасида “**Мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик жамиятимизнинг барқарор тараққиёти гаровидир**” мавзусидаги давра суҳбати ва маърифий учрашув ўтказилди. Тадбирда Амалий санъат факультети декани С.Саидова, “Ёшлар билан ишлаш” бўйича декан ўринбосари Ф.Ҳасанова, профессор-ўқитувчилар ва 65 нафар талаба-ёшлар иштирок этишди.



#### **XV. 8-ДЕКАБР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ҲАМДА ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.**

**2018-йил 10-декабрь.** Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат тўйғусини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳамда Асосий Қонунимиз қабул

қилинганининг йигирма олти йиллик санасини кенг нишонлаш мақсадида **“Конституция – менинг нигоҳимда”** номли байрам тадбири бўлиб ўтди. Шунингдек ҳар йили ушбу кун муносабати билан анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган **плакатлар танлови** ғолибларини мукофотлаш маросими ҳам тадбирдан ўрин олди.

**Тадбир модераторлари:** “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти Д.Жуманиёзова, катта ўқитувчи Ш.Х.Ғаниев.



ПРЕСС-РЕЛИЗ  
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ  
КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ  
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА  
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ  
“ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ

2018 йил 10 декабрь соат 10:00да  
Камолитдин Беҳзод номидаги  
Миллий рассомлик ва дизайн институтида  
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг  
хаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг  
тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса,  
ёшларимиз калбида қонунга ҳурмат,  
Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини кучайтириш,  
уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини  
ошириш мақсадида Асосий Қонунимиз ҳамда  
Давлат Мадҳияси қабул қилинганнинг  
26 йиллик санасини кенг нишонлаш мақсадида  
Байрам тадбири бўлиб ўтади.  
Шунингдек, ҳар йили анъанавий равишда  
ўтказилиб келинаётган  
“Конституция – менинг нигоҳимда”  
номли плакатлар танлови ғолибларини  
мукофотлаш маросими ҳам  
тадбирдан ўрин олган.

*Лойиҳа раҳбарлари: Д. Жуманиёзова  
Ш. Ғаниев*




**Маърузачилар:**

**“КОНСТИТУЦИЯ –  
БАХТИМИЗ ҚОМУСИ”**  
Хасан Рашидович Аминов - МРДИ ректори,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

“  
Кирғизбев Абдулғашир Қаримжонович,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси  
Фан, таълим, маданият ва спорт  
масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари  
**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ – ФАХРИМИЗ,  
ГУРУРИМИЗ”**  
Д. Жалилова,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси  
Фан, таълим, маданият ва спорт  
масалалари қўмитаси аъзоси

“  
Жуманиязов Қувондик Юлдашевич,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси  
Фан, таълим, маданият ва спорт  
масалалари қўмитаси аъзоси

**Тадбир ташкилотчилари:**

Сценарий муаллифи: Миржоннова Нодира  
Режиссёр: Ғаёз Қосимов  
Модератор: Миржоннова Нодира  
Саҳна безаги: АСАД йўналиш талабалари  
Ижодий жамоа: Институт Ёшлар  
Иттифоқи фаоллари,  
АСФ, ТСФ, СФ  
1-босқич талабалари

**Таклифнома**



**“КОНСТИТУЦИЯ –  
БАХТИМИЗ ҚОМУСИ”**



**“Биз – террорга қаршимиз”**  
руқнидаги саҳна кўринишидан лавҳа.



**2018 йил 11-декабрь** куни соат 10-00да кафедра катта ўқитувчиси Б.Маъруфбоев бошчилигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилнганлигининг 26 йиллиги муносабати билан “Конституция – халқ тақдирида” мавзусида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбири доирасида институт профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшларининг ижодий ишлари асосида *“Тасвирий ва амалий санъат кўрганмаси”* ва *Маҳорат дарслари (мастер класс)* ташкил этилди.

Унда 4-курс АСФ Хайкалтарошлик йўналиши талабалари Самиев Шерзод, Ёқубжонов Ҳайитмирза, 4-курс ТСФ Дастгоҳли рангтасвир йўналиши талабалари Достон Рўзиев, Гўзал Нишонвалар фаол иштирок этишиб ўз маҳоратларини намоён этишди.



## **XVI. ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙИДА “ВАТАНПАРВАРЛИК-ЮКСАК ФАЗИЛАТ” МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИШ.**

**2019 йил 8-апрель** куни кафедра катта ўқитувчиси Б.Маъруфбоев томонидан МРДИ Талабалар турар жойида **“Ватанпарварлик-юксак фазилат”** мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Суҳбат давомида тарихий хотира, миллий ўзликни англаш, истиқлол, давлат, миллат, Ватан ва ватанпарварлик каби тушунчаларнинг мазмуни-моҳиятига ғоявий-сиёсий, маънавий-фалсафий нуқтаи назаридан тўхтаб ўтилди, Хусусан, халқимизда шахсий “Мен” миллат ва Ватаннинг “Биз”и билан ўйғун ҳолда шаклланиши миллий менталитетнинг муҳим омили деб ҳисобланиши эътироф этилди. Бунинг ёрқин мисоллари сифатида Тўмарис, Спитамен, Широқ, Жалолиддин Мангубердиларнинг сиёсий-ҳарбий жасорати, Бехбудий,



Фитрат, Авлоний каби жадид-маърифатпарварларнинг маънавий жасорати эътироф этилди.



**2018 йил 17-октябрь.** МРДИ Ёшлар маркази залида институт профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари учун **“Ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш”** мазусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги 44 114 ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник - Шерғозиев Акмалхон Комолхонович таклиф этилди.




Тадбирда бугунги кун ёшларини Ватанга мухаббат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби устувор вазифалар ҳақида суз юритилди.

Тадбирни Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Д.Раҳматуллаева очиб бериб, мазкур тадбирни институт профессор-ўқитувчилари, ходимлар ҳамда талабалари учун ахамияти тугрисида гапириб, сузни Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Б.Маъруфбоевга берди. Суҳбатни кафедра катта ўқитувчиси Б. Маъруфбоев олиб борди. У ўз маърузасида бугунги кунда дунёдаги глобаллашув жараёнларининг тезлашуви, инсоният ҳаётига хавф солувчи омиллар, ривожланган мамлакатлар ўртасида қуролланиш пойгасининг авж олиши ва бошқа мамлакатларнинг ҳаётига таъсир этаётганлигини далиллар билан асослаб берди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Қуролли кучлари ҳақида хужжатли филм намоиши бўлиб ўтди. Филмдан сўнг Подполковник - А.Шерғозиев Ўзбекистон Қуролли Кучларининг салоҳияти, куч қудрати ва фарзандларининг ватанпарварлик



шижоати билан ҳеч қандай ташқи хавф қарши тик тура олмаслигини таъкилади. Тадбир сунгида талабалар томонидан берилган



саволларга мутахассислар тушунарли ва огоҳликка даъват этган ҳолда жавоб бердилар.

**XVII. ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА “ИЖОД АҲЛИ: ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ” МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИНИ ЎТКАЗИШ;**

**XVIII. ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАБ “ХАВФСИЗЛИК, ЎЗARO МАНФААТЛИ ВА АМАЛИЙ ТАШҚИ СИЁСАТ – ЎЗBEKISTONNING ПИРОВАРД МАҚСАДИ” МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИШ;**

**XIX. 8-МАРТ “ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ”ГА БАҒИШЛАБ ТАЛАБАЛАР ЁТОҚХОНАСИДА “АЁЛГА ЭЪТИБОР – МИЛЛАТГА ЭЪТИБОР” МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИШ;**

**XX. “ҲАР КУНИНГ БЎЛСИН НАВРЎЗ” МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИШ;**

**2019 йил 16-март.** Наврўз байрами муносабати билан Халқаро ислом академиясида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда Ижтимоий фанлар кафедраси доценти Д.Жуманиёзованинг умумий раҳбарлиги остида институтимиз дизайн йўналиши талабалари иштирокида “Амалий санъат” кўرғазмаси ва Мастер класс ташкил этилди.




**2019 йил 26-27 март.** К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида Наврўз умумхалқ байрами тадбири бўлиб ўтди. Унда кафедра профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.





## **XXI. АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 683 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ТАЛАБАЛАР ИШТИРОКИДА ДАВРА СУХБАТИНИ УЮШТИРИШ.**

**2018 йил 23-ноябрь.** Тошкент шаҳар Учтепа тумани „Кўкча Дарвоза“ маҳалласида жойлашган 186-мактабда Камолиддин Бехзод институтининг кафедра профессор-ўқитувчилари иштирокида **“Амир Темур – буюк давлат арбоби, юксак маънавият соҳиби”** мавзусида тадбир ўтказилди. Қатнашдилар: МРДИ Таълим сифатини ошириш инспекцияси бўлим бошлиғи Х. Қайтаров, МРДИ Санъатшунослик факультети декани Б.Сангиров, декан ўринбосари Х. Ҳасанов, “Ижтимоий фанлар” кафедраси муdiri Д.Жуманиёзова, кафедра доценти в.б. Н.Алимов, 186-мактаб директори Ҳасанова Шоирахон Абдуранмонова ва 186-мактабнинг 100 нафардан ортиқ ўқувчилари.





**2019 йил 3-апрель.** К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг Тасвирий санъат факультети томонидан институт гуруҳ мураббийлари ва талабалари иштирокида “Ахборот ва таълим тарбия соати”нинг навбатдаги ўқув-семинари кенгайтирилган шаклда ўтказилди. Унда “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси **Б.Маъруфбоев** 9 апрель – Соҳибқирон, буюк саркарда **Амир Темури (1336-1405)** таваллуд топган куннинг, шунингдек “**Темури тузуклари**” асарининг халқимиз тарихи, унинг маънавий ва маърифий ривожи, келажак авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида талаба-ёшларга атрофлича тушунтиришлар берди. Тадбир иштирокчиларга маъқул келиб, жуда кўплаб қизиқарли саволлар ва фикр-мулоҳазаларга бой бўлди.



Тадбир институт сайтида ёритилди.

## **XXII. КАФЕДРА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ИШТИРОКИДА “ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТ” МАВЗУСИДА УСРАШУВЛАР УЮШТИРИШ.**

**2019 йил 11-апрель.** Тошкент шаҳар Учтепа тумани “Шофайзий” маҳалласида жойлашган 136-мактабда К.Бехзод институтининг профессор-ўқитувчилари иштирокида “**Юксак ҳуқуқий онг ва маданият**” мавзусида усрашув бўлиб ўтди. Унда кафедра доценти Н.Алимов иштирок этиб, мавзу мазмуни бўйича иштирокчиларга атрофлича маълумот ва тушунтиришлар берди. “**Ҳуқуқий онг**” ва “**ҳуқуқий маданият**” тушунчаларининг мазмуни, ҳуқуқнинг тамойиллари ва тизими, таълим-тарбия жараёнида ҳуқуқнинг ўрни, қонун устуворлигини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий масалалари, Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар шулар жумласидандир.



**XIII. “ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ” КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИНИ ЁД ЭТИШ МАҚСАДИДА ТАДБИР ЎТКАЗИШ, ОҚСАРОЙ МЕМОРИАЛ МАЖМУАСИГА ЖАМОА БЎЛИБ БОРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.**

**XVI. КАФЕДРА ҚОШИДАГИ “ФАЙЛАСУФЛАР КЛУБИ” ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, УНГА ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШ.**

2018-2019 йили давомида кафедра қошида ташки этилган “Файласуфлар клуби” самарали фаолият олиб борди. Клубнинг йиллик режаси кафедранинг август ойидаги 1-сонли йиғилишида тасдиқланган. Клубга кафедра доцентлари: У.Утанова ва Н.Алимовлар раҳбарлик қилишди. Клуб йил давомида самарали фаолият олиб борди. Ҳисобот ва баённомалари мавжуд.

**К.БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК  
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий  
рассомлик ва дизайн институти  
Маънавий-маърифий ишлар бўйича  
проректор  
Д.Н.Раҳматуллаева  
30.08.2018 йил

“ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР” КАФЕДРАСИ ҚОШИДАГИ

**“ФАЙЛАСУФЛАР”  
ТЎГАРАГИНИНГ**

2018-2019 ЎҚУВ ЙИЛИ ДАВОМИДА  
АМАЛГА ОШИРАДИГАН ТАДБИРЛАР  
РЕЖАСИ

№	Тадбирлар номи	Санаси	Маъмулот ўтказиладиган жой
1.	“Файласуфлар” тўғараги режасини тасдиқлаш. “Азиз ва ягонасан жонажоним Ўзбекистоним!”	Сентябр	В-1-13-хона
2.	“Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила Айламак бўлмас адо ҳаққин онинг юз ганч ила”	Октябр	В-1-13-хона
3.	“Китобхонлик – буёқ келажак кафолати”	Ноябр	АРМ
4.	“Бахтимиз қомуси”	Декабр	В-1-13-хона
5.	“Мардлар кўриқлайди Ватанни”	Январ	В-1-13-хона
6.	“Темур тиги етмаган жойни қалам билан олди Алишер”, Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим”	Феврал	Файе
7.	“Қадриятлар кадр топган юрт”	Март	В-1-13-хона
8.	“Дунёни забт этиб...”	Апрел	В-1-13-хона
9.	“Инсон хотира туйғуси билан барҳаётдир”	Май	В-1-13-хона

1

Тўғарақ раҳбари

доцент У.Утанова  
катта ўқитувчи Н.Алимов

**“ФАЙЛАСУФЛАР КЛУБИ” ТАДБИРЛАРИДАН ЛАВҲАЛАР.**





## ШУНИНГДЕК, 2018-2019 ЎҚУВ ЙИЛИ ДАВОМИДА КАФЕДРА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ҚУЙИДАГИ ҚЎШИМЧА ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

**2019 йил 7 январь** куни Тасвирий санъат факультетида "Олий таълимни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари: Халқаро тажрибалар ва Ўзбекистон амалиёти" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда Тасвирий санъат факультети декани А.Юсупов, Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари С.Расульмухамедова, Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Д.Жумашев, кафедра мудирлари ва профессор ўқитувчилар иштирок этишди.

Семинарда институт **“Ижтимоий фанлар”** кафедраси доценти **Р.Ҳасанов** “Олий таълимни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари: халқаро тажрибалар ва Ўзбекистон амалиёти” мавзусида маъруза қилди.



**2019 йил 12-февраль.** Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти “Амалий санъат факультети”да талаба-ёшлар ўртасида профилактик тадбирларни кучайтириш мақсадида ўтказилган **“Одам савдосига қарши курашиш барчанинг вазифаси”** мавзусида очик мулоқат тадбири ўтказилди. Тадбирда “Ижтимоий фанлар” кафедра доцентлари Р.Ҳасанов ва Н.Алимовлар ўз маърузалари билан иштирок этишди.

**Доцент Р.Ҳасанов**, бугунги глобаллашув ва ахборот асрида инсоният онгини эгаллаш ва шу орқали ўзининг ғаразли ниятларини амалга оширувчи жиноятчилар томонидан содир этилаётган одам савдоси миллат, халқ, чегара билмас жиноят сифатида бутун дунё олдида турган долзарб масалалардан бири эканлиги, одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари, ушбу иллатнинг келтириб чиқарувчи асосий омиллар, одам савдосининг йўналишлари шунингдек, Одам савдосига қарши курашиш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида ўз фикрларини билдирди.

**Доцент Н.Алимов**, “Одам савдосига қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий асослари”, “Одам савдосига қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикасида



қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар”, “Инсон савдосина қарши курашда маҳалла-жамоатчиликнинг ўрни”, каби масалалар мазмун моҳиятини тадбир қатнашчиларига матбуотда ёритилган мақолаларда баён этилган фикрлар, телекўрсатувлардаги мисоллар, бадий ва илмий адабиётларда баён этилган маълумотлар тўғрисида қарашларини баён қилди.



**2019 йил 15 март.** Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги 77692 – сонли ҳарбий қисм командири в.в.б Ш.Сотқуловнинг 2019 йил 11 мартдаги №537-сонли хатига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сонли “Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари



ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 15 март куни соат 10<sup>00</sup>-да ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари билан “Ҳарбий хизматчиларни маънавий онгини юксалтиришда Рассомлик санъатининг аҳамияти” мавзусида Санъатшунослик ва Амалий санъат факультети профессор-ўқитувчилари доцент О.Қозоқов, катта ўқитувчи Б.Маъруфбоев, катта ўқитувчи Ж.Жумаев, ўқитувчи Б.Намозов ҳамда декан ўринбосари Ю.Нарзиевалар томонидан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда кафедра катта ўқитувчиси Б.Маъруфбоев “Ҳарбий хизматчиларни маънавий онгини юксалтиришда Рассомлик санъатининг

аҳамияти” мавзусида маъруза қилди ва Ҳарбий қисм раҳбарияти томонидан Ташаккурнома билан тақдирланди.

**2019 йилнинг 3 апрель** санасида К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг Тасвирий санъат факультети томонидан институт гуруҳ мураббийлари ва талабалари иштирокида “Ахборот ва таълим тарбия соати”нинг навбатдаги ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ушбу ўқув-семинари **“Болалар ва ёшларда давлат рамзларини эъзозлаш, унинг кадр-қимматини англаш, шунингдек, шахсий эҳтиёжлар ва жамият эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини тарғиб қилиш”** мавзусига бағишланди.




Факультет мураббийлар кенгаши раиси, “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси **Б.Маъруфбоев** мавзу юзасидан маъруза қилди. Тингловчилар ушбу семинар мавзуси доирасида, жумладан, давлат рамзларини эъзозлаш, кадрлаш, миллий қомусимиз – Конституция қонунларига жамиятда қонуний ёндашиш ва амал қилиш ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида қатор чора-тадбирлар ижросини амалга ошириш ҳақида бир қатор фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир институт сайтида ҳам ёритилди.

**2019 йил апрель.** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши билан келишилган ҳолда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 2019 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури”нинг 6-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Олий таълим муассасаларида **“Жаҳолатга қари маърифат”, “Мен диний экстремизм ва терроризмнинг таҳдидини қандай тушунаман?”** мавзуларида ўтказилиши белгиланган мақолалар танловининг факультет гуруҳлари ўртасида ва уларнинг



Ғолиблари ўртасидаги институт босқичи кафедра томонидан ўтказилди. Ғолиблар аниқланиб кейинги Республика босқичида иштирок этиш учун ғолибларнинг ҳужжатлари Олий таълим вазирлигига тақдим этилди.



**2019 йил 12-15 май.** Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, “Ўзбеккино” миллий агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ–4038-сон қароридан белгиланган вазифаларнинг ижросини ўрганиш бўйича кафедра катта ўқитувчиси Б.Маъруфбоев Сирдарё вилоятида хизмат сафарида бўлди.



**2019 йил 24-май.** К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Ижтимоий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан (Дизайнфакультети жамоаси билан ҳамкорликда) ижтимоий-маънавий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган “5 та муҳим ташаббус”ни амалга ошириш юзасидан Сергели тумани 277-умумтаълим мактабида тадбир ўтказилди. Тадбирда мактаб раҳбари



М.Х.Низомова, МРДИ Дизайн факультети декани ўринбосари О.Ф.Сайидов, МРДИ Мураббий кенгаши раиси, Турон фанлари Академиясининг академиги Р.Хасанов, МРДИ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти Н.Алимов, ММИБДЎ А.Юсупова, Ёшлар иттифоқи етакчиси А.Мадрахимова, мактаб психологи А.Дехконова, Синф раҳбарлари ва 8-9-синфдан 110 та ўқувчилар. Тадбирдан асосий кўзланган

мақсад 5-та муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳиятини келажак авлодларга атрофлича тушунтириш, улар орқали барча тенгдошларини ушбу ташаббус атрофида бирлатиришга жалб этиш бўлди. Шунингдек, суҳбат давомида институт тўғрисида ҳам тингловчиларга маълумотлар берилиб, яқунда институт иқтидорли талабалари иштирокида маҳорат дарси ташкил этилди.


Тадбир якунида муассаса раҳбари мактабда К.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти хусусияларини ўзида акс эттирган “Институт бурчаги” ташкил этилганлиги ҳақида маълумот берди.



Шунингдек, мазкур ўқув йили давомида кафедра томонидан яна бир қанча маънавий-маърифий тадбирлар, мутахассислик кафедралари билан




доимий ҳамкорлик, ободонлаштириш-ҳашар ишлари, маданий-оқартув муассасаларига ташриф, ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, ёшлар орасида китобхонликни кенг тарғиб этишга қаратилга кўплаб тадбирлар амалга оширилди.











**Кафедра мудири**

**У.Утанова**